

ISNONSEN

ИСЛОХОТЛАРИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадига 17-18 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди

Хоразм вилояти маркази — Урганч шаҳрининг бош майдонига амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган давлатимиз раҳбари лойиҳа муаллифлари, кўрувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, марказий майдонни сўлим гўшага — ашил ҳудудга айлантириш юзасидан уларга зарур тавсиялар берди.

Президентимиз сафарининг иккинчи кунини Гурлан туманидаги қайта реконструкция қилиниб, яқинда иш бошлаган «Гурлан» акционерлик жамияти билан танишувдан бошланди.

Хоразм нафақат аграр, балки саноат соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга воҳа. Бугун вилоятда қирққа яқин саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Уларнинг йигирмага яқини энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган. Вилоятда етиштирилаётган пахтанинг йигирма минг тоннага яқини «Боготтекс», «Шовоттекс», «Котонтекс», «Хоразм Нуртоп» қўшма корхоналари, «Хоразм текстил», «Юлдуз» масъулияти чекланган жамиятларида қайта ишланмоқда. Хар йили ўртача 64,4 миллион АҚШ доллари микдордаги маҳсулот экспорт қиладиган мазкур корхоналарда салкам тўрт ярим минг нафар киши меҳнат қилади. Ип газлама, экспортбон трикотаж маҳсулотлар, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқараётган ушбу корхоналар сафига «Гурлан» акционерлик жамияти ҳам қўшилди.

Умумий майдони 31,5 гектардан иборат ушбу йирик саноат мажмуи пахта толасини тайёр маҳсулотга айлантирувчи қадар бўлган юқори технологик жараённи ўзи ичига олган. 27 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилган корхона йилга 4,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 3,41 минг тонна чом трикотаж, 12 миллион донга тай-

ёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Юртбошимиз корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратди, бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотларнинг харидорини тоғиш масаласини ҳал қилиш лозимлигини таъкидлади.

— Бундай йирик корхоналарни қуришдан мақсад, ав-

ларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

— Ушбу корхонада 11 йилдан бери ишлайман, — деди пилташ дастгоҳи оператори Эркиной Аҳмедова. — Қайта реконструкция қилинган, корхонамиз мутлақо янги кифага касб этди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабати, иш унмудорлиги ва манфаатдорлик ҳам кескин

— Қаерда бўлмайин, ҳаётий тажрибага эга, турмушнинг аччиқ-чучугини тагитан отахонлар, хоразмча айтганда ёшуулилар билан суҳбатлашишга, ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб бораётган ислохотларимиз бераётган самаралар юзасидан маслаҳатлашишга ҳаракат қиламан, — деди Юртбошимиз.

қўяётган талаблар ҳам олиб бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугунги фермер илгариги деҳқондан катта фарқ қилади. Фермер иқтисодчи, агроном, тадбиркор, ташиқлотчи бўлиши лозим. Шу билан бирга, ўзи етиштирган маҳсулотларни ўзи қайта ишлаши билиши ҳам даркор. Фермерликнинг келажаги айнан маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиши билан бевосита боғлиқ. Хоразм вилоятида етиштирилаётган гўштининг 8, савзавотнинг эса атиги бир фоизи қайта ишланмоқда. Фермерларимиз фақат пахта ва галла етиштириш билан қиёфалик қолмасликларни керак.

Шу жиҳатдан 46 гектар майдонда деҳқончилик қиладиган Урганч туманидаги «Бахром» фермер хўжалиги раҳбари Марк Раҳмоновнинг тажрибаси ибратлидир. Хўжалик гўшт ва сутни қайта ишлайдиган минизаводга эга. Етиштирилган галлани қайта ишлайдиган замонавий тегирич ишлаб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро кўргазма-савдосида қатнашган фермер янги технологиялар харид қилиш борасида бир қанча шартномалар имзолаб қайтди. Утган йили 32 миллион сўм соф фойда олган хўжаликда 42 киши меҳнат қилади.

Президентимиз фермерлар зamon талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиши лозим, деди. Бу эса нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади.

Юртбошимиз бу борада хоразмлик фермерлар, бутун воҳа аҳлининг ишига ривож тилади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Шавак
ХУДОЙБЕРАНОВ,
Ўза Махсус мухбирлари



валю, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборат, — деди Юртбошимиз. — Хар бир корхонанинг имкониятлари унинг экспорт салоҳияти билан баҳоланади. Биз дунё бозорига доимий ўз ўрнини эга бўлишимиз учун корхоналаримиздаги технологияларни муттасил янгилаб боришимиз лозим.

Президентимиз корхонанинг ип йигирув ва тўқув цехларидаги иш жараёни, замонавий дастгоҳларнинг имкониятлари ва ишчи-хизматчи-

ўзгарди. Бугун корхонамиз хотин-қизларни замонавий, тўлиқ компьютерлаштирилган дастгоҳлари маҳорат билан бошқармоқдалар.

Корхонада меҳнат қиладиган 1200 ишчи-муҳандиснинг 69 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тез кунларда бўйиш ва тикув цехлари ҳам ишга тушган, яна икки юздан зиёд киши иш билан таъминланади.

Президент Ислон Каримов Янгибозор туманидаги «Барҳаёт Матинёв бобо» фермер хўжалиги далаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Фермерлар билан суҳбатлашди.

Фермерлар ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар хусусида тўхтаган давлатимиз раҳбари деҳқончиликда Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб иш юритиш яхши натижага беришига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги «Ҳайитмат ота» фермер хўжалиги раҳбари Гулмат Ҳайитматов мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун барча шароитлар яратиб берилаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изхор этди.

— Фермер олдига зamon

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонуни, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизми ва амалий рағбатлантириш омилиларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Куйидагилар жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавий тарғибот маркази, «Маҳалла» жағмаархонаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин:

республикамизнинг хар бир ҳудудига янги иш ўринлари очилиши, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиши, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиши, касаначиликни ривожлантириши, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиши;

ёш оилаларга ипотека ва истемвол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сойти олиш ёки қуриш, уй-хўжалигини йўлга қўйишда уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериши, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳудудий, ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш буйича хизматлар кўрсатиши;

ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун гурув ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вақилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиши туйғуларини шакллантириши;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан ниқондан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиши.

2. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида қуйидаги мақсадлар учун 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратилиши тўғрисидаги тақлифи маъқулансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш);

уй-хўжалигини йўлга қўйиш;

мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар со-

тиб олиш.

Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун 2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган микдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган тақлифларни хар йили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунчилик мувофиқ, мазкур Фармон таътиб этиладиган ёш оила тоифасига, хар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради.

4. Белгилашсинки, жисмоний шахслар — ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига қуйидаги даромадлари кирмади:

— солиққа тортиладиган иш хақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар буйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

— ҳўжалик субъекти — иш бевувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичда ушбу мол-мулк сотилса, мазкур бандда кўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

5. Хўжалик субъектлари-га даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоб-

лашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадалари тўлашга ва (ёки) мулк солиғида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган микдорда, қаматириш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой мuddатда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат мулк қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда:

2007 йил 1 сентябргача давлат тасарруфига бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги буш турган хоналарни улардаги маиший шароитларнинг ёш оилалар яшаш учун мос келиши нуктаи назаридан инвентаризация қилсин;

2007-2008 йиллар давомида Нукус шаҳрида, хар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги буш турган хоналар неғизда оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага берилган квартиралар ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандга мувофиқ ёш

оилаларга бериладиган уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маиший асбоблар билан жиҳозлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларини ошириб бажарилган суммаси ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жалб қилинаётган қўшимча маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулк қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 май

«Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси)



Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари
Федерацияси раиси

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК РОЛИ

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши, шунингдек, «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонининг қабул қилиниши ижтимоий ўзгаришларнинг мантикий давоми бўлди. Мамлакатимизда амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга йўналтирилган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш буйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. «Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий сугурта қилиш тўғрисида», «Тиббий суғурталаш тўғрисида»ги Қонулар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бу йил ечимини топиши лозим бўлган вазифаларни белгилаш туриб, давлатимиз раҳбари устувор масалалар сирасига соғлом бола туғилиши учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш, «Соғлом она — соғлом бола» шiori остида бошланган ҳаракати янада ривожлантириш юзасидан ушбу йўналишда жаҳон амалиётида синовлардан ўтган барча яхши ишланмалардан фойдаланишга эътиборни қаратгани ва бунинг учун анчагина пул маблағлари сарфланаётгани алоҳида қайд этгани бежиз эмас.

Маълумки, инсоннинг, шу жумладан аёл — она онгли ҳаётининг муайян қисми яшаш, маънавий ва маданий раванки таъминотини белгилайдиган меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Ушбу фаолият қандай шароитда кечишига қараб нафақат ходимнинг, шунингдек унинг оила аъзолари ва яқинларининг жисмоний ва маънавий соғлиғи ҳам ў ёки бу даражада кўриниш ҳосил қилади. Айнан шунинг учун ҳам меҳнат муҳофазаси масалалари, бутун бир иқтисодий секторининг хавфсиз меҳнат шароити билан таъминлашнинг аввал-азалдан касаб уюшмаларининг марказий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Касаб уюшмалари Федерациясининг IV Курултойида уларнинг ролини ва ижтимоий шериклар билан ўзаро ҳамкорликни оширишга, янги иқтисодий шароитда меҳнат муҳофазаси соҳасида, айниқса, бу муаммо кескин бўлиб турган нодавлат секторига ходимларга хар жиҳатдан мақбул шароитларни яратишга қаратилган «Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясига бирлашган касаб уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Харакат дастури»га қўшимчалар киритилди. Мазкур муаммони кўриб чиқишда салоҳиятн малакали ёндашиш мақсадида Федерация кенгаши ижтимоий шериклар, Халқаро Меҳнат Ташкилоти мутахассислари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари касаб уюшмалари иштирокида «Хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда Ўзбекистон касаб уюшмаларининг ижтимоий шерикчилик роли» мавзусидаги илмий-амалий конференцияни ўтказишга қарор қилди. Конференция иқтисодий-етнинг барча секторларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитининг ҳозирги пайтдаги аҳолини кўриб чиқиш, ушбу соҳадаги энг муҳим муаммоларни муҳофаза қилиш, ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқини таъминлаш буйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви, касаб уюшмалари, давлат назорати, қураув ва экспертиза органлари сай-харакатларини бирлаштириш йўллариини белгилаб олиш, иштирокчиларни хорижий мамлакатлар тажрибаси билан

таништириш ва энг асосийи, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги вазиятни яхшилаш буйича самарали тадбирларни ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Айни пайтда республикамизда, умуман ходимларнинг хавфсиз меҳнати ва саломатлигини муҳофазалаш юзасидан ҳуқуқий асослар яратилган, деб бемалол айтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қайд этилганидек «Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимлар ҳаёти ва соғлиғи устуворлигининг белгилаб қўйилиши, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш бориш меҳнат муҳофазаси буйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари халқчиллик билан йўрилганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 30 дан зиёд моддалари ходимлар, иш бевуқилар ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат муҳофазаси масалалари билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳам кўп нарсани англатади.

Мамлакатимизда меҳнат ахли саломатлигини муҳофазалаш буйича ўзига хос ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, хусусан, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланганининг (ОИТВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонулар, қатор ҳукумат қарорлари, шунингдек, меҳнат муҳофазаси устидан давлат бошқаруви тўғрисида, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигига бошқа хил шикастлар етказилиши буйича текширишни ўтказиш ва ҳисобга олиб бориш тўғрисида, меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида ходимларнинг жароҳат олиши, касб касаллиги ёхуд соғлиққа шикаст етказилиши натижасида қўрилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида (ва бошқалар) норматив ҳужжатлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Республикамизда асосий қонунчилик актиларидан ташқари, саломатлик, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларини тартибга солиш учун умумдавлат норматив ҳужжатлари амал қилаётти. Улар — санитария меъёрлари ва қондалари, меҳнат хавфсизлиги тизими Давлат стандартлари, қурилиш меъёрлари ва қондалари, зарарли моддалар таркиби нормативлари.

Турли ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат муҳофазаси, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси буйича идора ва идораларо меъёрлар, талаблар ва қондалар амал қилаётганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим омили ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касаллиги ходимлар ва ташкилотлар, шунингдек, умуман мамлакат учун ўрнини тўлдириш қийин бўлган моддий ва маънавий йўқотишларни келтириб чиқаради. Худди шунинг учун ҳам меҳнат шароитлари, муҳофазаси ва хавфсизлиги, ишлаб чиқаришда жабранганларни ижтимоий ҳимоя қилиш иш хақи ва бандлик масалалари билан баб-баравар равишда хар дом касаб уюшмаларининг диққат марказида бўлган ва бўлиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

«Интерагрос-тар» чорва наслчилиги ва фермер хўжалиги ўтган йил июн ойида ташкил этилган. Хўжалик ихтиёрида 89 гектар майдон бўлиб, шундан 17 гектарига пахта, 48 гектарига галла экилади. Қолган майдонларда чорва учун озуқабон экинлар етиштирилади. Наслчилик фермасида 200 дан зиёд швед зотли қорамоллар ҳамда 300 туёқ хисори кўйлар парваришланмоқда. Алоҳида боқилаётган чорвага 35 нафар ишчи-хотим жалб этилган бўлиб, яна янги 15 иш ўрни яратилиш арафасида. Яъни яқинда сотиб олинган 3 та трактор, битта бульдозер, битта ГАЗ-53 машинасига ҳайдовчи ва техник ходимлар ишга олинади. Бу ерда ишловчиларга 3 маҳал бепул овқат тортилмоқда.

Биз наслчилик фермасига етиб келганимизда, иш авжига чиққанди. Кимдир пайвандлаш аппарати ишлатаётган, яна бирок мотори сочиб юборилган ЮМЗ трактори атрофида куймаланади. Бизга пeshов чиққан йигит Носиржон Мадрахимов ушбу фермер хўжалиги раҳбари экан.

— Хозир замонавий молхона қуриляпти, — дейди Носиржон. — Янги технология асосида охури йўқ молхона. Жуда қизиқ-а!

«ИНТЕРАГРОСТАР»ДА ЯНГИ ИШ ҲАМ ҲАМ ҲАМ

Биз вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Хитойдан зотдор қорамоллар келтирмиш. Уларнинг ҳар бири кунига 30 литр гача сут беради.

У бизни ичкарига бошлар экан халат кийиб олиш-

Озуқабон экин майдонларимиз кўпайса, янги бўларди. Адир худудидан жой олишимиз керак, — дейди фермер. — 100 гектар ер керак-да. Чунки, бу йилги 300 қўй янги йили камида 600 туёқ бўлади. Иннайки-

ни таклиф этди. Ферма 2 гектар ерда жойлашган бўлиб, туман ҳокимияти буюқлар парвариши учун яна бир гектар ер қўшиб берибди. Бу ерда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари авжида.

— Яна 300 та мол келтирмиш. Бизни қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

ма асосида етказиб берилмоқда. — Бу йигитлар амалга ошираётган ишларни кўриб кўз қувнади, — дейди кекса отахонлардан бири. — Мен ҳар кунни улар амалга ошираётган ишларни кузатаман. Керак жойида маслаҳатлар бераман: Маҳалламиздан бир неча ёшлар шу ерда ишлаб, рўзгор тебратмоқда. Моли кўп юрда баракка бўлади, фаровонлик бўлади.

Ўтган йил мобайнида туманда яна шу сингари учта наслчилик-фермер хўжалиги фаолият бошлагани назарда тутилса, ақин орада Кўрғонтепада зотдор қорамоллар ва кўйлар суруви кўзи қувнаётган, юртимиз чорвачилигини юксалтиришига шубҳа йўқ.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Бандлик» дастури — амалда

ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Шаҳрисабзнинг камалак нусха сўзаналари, ироқи дўппилари, юз хил рангда товланадиган каштали ва ёдгорлик буюмлари ҳамиша харидордир бўлган. «Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон азалий аънавларни янада ривожлантиришга йўл очди. 1000 дан ортиқ ишчи ўринлари ярати-либ, 20 хил турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бунда корхона-ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Масалан, хорижий тилларни ўрганиши Маркази, пахта тозалаш, «Шаҳрисабз консерва», «Пилла», «Садо» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, хунармандлар уюшмаси, «Наврўз», «Дилором» кичик корхоналари иш кўламини кенгайтириш ҳисобига 300 дан зиёд кишининг бандлигини таъминлади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастури бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. 1100 нафардан зиёд киши уйда шартнома асосида иш бажаришига шароит яратилди.

Хўжамурод баҳши номи маҳалладан Г.Турдиқуллова, «Мазрифат» маҳалласидан С.Холназаров, «Оқсарой» маҳалласидан Б.Раҳмонова каби хунармандлар қўлида сайқал толган буюмлар арзон ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Шаҳардаги «Ифратли келин» ўқув марказида иқтидорли қизлар-

ҳисобига 3201 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари очилиб, улар доимий иш стаж ва ижтимоий ҳимоялини имкониятига эга бўлди.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари янада ривожлантириляпти. Режа бўйича аҳолига 300 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиш мўлжалланган. Тенарлик маҳалласидан 48 та оилага 36 миллион, Хабарлик маҳалласидан 40 хонадонга 27 миллион 100 миң, Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 14 оилага 10 миллион сўм олиб берилади. Умуман, тумanning 14 маҳалласидаги 227 та оилага шундай имконият яратиш ниятида.

Бу 6 миңга деҳқон хўжалиқлари тузилишида, касб-хунар коллежларини битираётган 2500 нафар йигит-қизларни иш билан таъминлашида омил бўлиши шубҳасиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш устувор йўналишларимиздан бири. Бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиляпти.

Абдуқоҳор ТЕМИРОВ,
Шаҳрисабз туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи

Анжуман

Инсон табиати қизиқ. Атрофдан оз бўлса-да, ширин гап эшитса, йинки моддий ёрдам кўрса кўнгли равшан тортиб кетади. Кунин кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг мажлиси ҳам айнан шу масалага бағишланди. Унда «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида амалга ошириляётган ишлар ҳамда шаҳар кенгашининг III ва IV мажлислари орасидаги тадбирлари атрофида муҳокама этилди.


Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кесклар, етим-есир ва ногиронлар ҳамда талабаларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида бир қатор муҳим режалар белгиланди, ва уларнинг ҳаётига тўлақонли татбиқ этилишини назорат қилиш мақсадида комиссия тuzилди. Мазкур комиссия томонидан Давлат дастури доирасида кор-

қали 454 ходим, шу жумладан, 55 нафар ногирон ва бошқа ёлғиз қариялар ҳамда меҳнат фахрийларининг маданий дам олишлари ҳамда соғломлаштирилиши ташкил этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари ва бошланғич кўмиталар томонидан ёлғиз, кекса кишиларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, соғлиги ва моддий аҳоли муносабати равишида тахлил қилиб берилимоқда. Бу борада учраётган му-

савобталаб ишлардан бири бўлди. Ушбу мақсад учун ҳар ойда корхона ҳисобидан 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланяпти.

Лекин айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ачинарли томони шундаки, айрим тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотларида ишлаб чиқилган дастурлар тизимдаги бошланғич ташкилотларга тўлиқ етказилмаган. Бундай ҳолатни Ўзбекистон Фанлар Академияси касабаси уюшма бирлашган кўмитаси, давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари Тошкент шаҳар касабаси уюшма кенгашида кузатиш мумкин. Айрим масъул ходимлар томонидан бу муҳим ишга етарлича эътибор берилмаган.

Пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касабаси уюшма кўмитасининг ҳамкорлигида фаолиятга ҳам эътирозлар бор. Жусусан, жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш бўйича имкониятлардан тўлиқ фойдаланил-



(Боши ўтган сонларда)

Йўқ! Йўқ! Нафақат онги, ўй-хаёллари, балки хаёлотининг энг олис пучмоқларида ҳам Бекмирзадан воз кечиш илинжи пайдо бўлмаган! Бекмирза — унинг жони, Бекмирзадан айрилса — жонидан айрилади!

Солиҳа кўлида омонат турган гўшаки хойига аста қўйди. Узини диванга ташлаб, юзларини ёстиққа босди. Нима учун ҳеч ким тушунмайди уни, қалбини тингламайди? Агар хозир кўксига шарт ханжар уриб, юрагини сўғурти олишса, ҳали потирлаб турган юрак «Бекмирза! Бекмирза!» деб дод солади, акир! У тўлғаниб, тўлғаниб йиғлай бошлади...

Бекмирза Санкт-Петербургда бир ойдан ортиқроқ юрди. Эски танишларини бориб кўрди. Дўконлар учун ул-бул мол харид қилган бўлди. Фарғонадан бу ерга келиб ишлаётганлар кўп. Танишларидан бири ўн йилча муқаддам бола-чақаси билан Санкт-Петербургда келиб яшаб қолган эди. Ахтариб ушани топди. Аваз исми бу йигит Фарғонада ишлаб юришмай тақдир тақозоси билан шу ерларда насибасини топиб юрган экан. Узи анча уринган «Фолксваген»ни арзон баҳода олиб, кирақашлик қилади, хотини озиқ-овқат дўконидан сотувчи.

Катта ўғли қурилишда дурадгор бўлиб ишларкан. Топиш-тутишлари янги. Икки нафар фарзандлари мактабда ўқишяпти.

— Худого шукр, Бекмирза ака, — деди Аваз. — Емон яшаётганимиз йўқ. Йилда бир-икки қарра Ватанга ҳам бориб келяймиз. Кўл телефон доим чўнтагимда, кунинг хоҳлаган пайти, Ўзбекистондаги хоҳлаган юрtdош билан бемалол сўбатлаша оламиз. Аммо бир нарсаси юракни эзди. Каттам уйланаман дегаяти. Лекин булажақ келин... рус кизи! Ўртача ўғлим ўн олтига, кичиги ўн тўртта кирди. Туриш-турушлари, фелъ-атворлари худди шу ернинг болалариникидай. Қисқиса, Ўзбекилик йўқ улларда! Биз эр-хотин-ку, Петербургда умрбод қолиб кетмаймиш. Аммо болалар... Улар хозир рус фуқароси... Тўғриси, буларнинг юртга қайтишларига ишонч кимроқ... Мана хозир, айни кунларда кетиб юборганимизда, балки мослашиб кетишимиз мумкинмиди. Лекин хозир илож йўқ... Хуллас, кексаларга эр-хотин ё юрtdа ўғил-қиз, неварасиз яшагаси мажбур бўламиз. Еки... худдо билди! Шулардан кейин фарзанд қуришни ҳам истамдик...

Бекмирза Аваз билан анча сўбатлашиб ўтирди. Тез-тез қўришиб туришига ваъдасини олиб ётоғига қайтди. Лекин йўл бўйи хаёлига келган бир фикр миёнасини пармалаб келди. Агар... шундай қилинса... у кўнармикан?

Аваз келгусининг ташвишида. Ташвишида асос бор. Аммо... Бизчи? Биз қолган ўн-ўн беш йил урмишимиз шу ерда, осейшталкида ўтказишимиз мумкин-ку. Уғлимни ўз ўғлимдай тарбиялардим, устирардим... Агар Бекмирза юртидаги ўзига тегишли мол-мулкни ҳисоб-китоб қилса бир миллион... долларага яқин-

лашиб қолади! Э, боринг, 600-700 миңгини бу ерга ўтказиш имкони нақд-ку! Ўзбекистон билан алоқани узайти, ўринли тарзда ишлатилса бу маблағни кўпайтириш ҳам мумкин. Ҳали қариб қолгани йўқ. Уч киши бемалол, ўйнаб-қулиб яшаши кимини бундай салмоқли маблағ сосяида...

Бекмирза бир-икки кун шу ўйни хаёлида пишитди. Яшаш, бизнес билан шуғулланиш имкониятларини чамалаб кўрди. Ўзбекистонда дўконлар бори... Шу ерда хиянлари қилаётган ишни ўзи амалга ошира бошлайди, холос... Фарғона ҳам анчагина тинчийди. Севара ҳовуридан тушди. Мохий тақдирга тин беради... Ҳали Аваз айтганидек, хозир Россияда яшаш Ўзбекистондан батамом узилиб кетиш дегани эмас. Исталган жойда туриб, исталган сонияда

Китоблик Насрулло Абдуллаев бир неча йилдан буён кулчилик санъати билан шуғулланиб келади. Бугунги кунда у 450-500 турдан ортик кулчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб элга танилди. Унинг қўлида сайқал топаётган маҳсулотлар хорижий сайёҳларнинг ҳам диққатини тортмоқда. Суратда: Китоб туман савдо-саноат палатаси бошлиғи Ғулом Узоқов тадбиркор-кулол Насрулло Абдуллаев билан кулчилик буюмларини кўздан кечирмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ
олган сурат

Тезкор хабарлар

ДОЛЛАРОУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани «Авасозлар» бозори худудига жойлашган валюта айирбашлаш шаҳобчаси ёнида ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро М.Солтимова Н.Аҳмедова бир АҚШ долларини 1265 сўмдан ҳисоблаб, жами 4000 АҚШ долларини 5.060.000 сўмга сотётганида департамент ходимлари томонидан ушланди.

М.Солтимова нисбатан хилоф иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан тегисли хазага тортибди.

Оттабек САЙИМОВ, СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими бошлиғи

ЖАРИМА ЖАЗОСИ

Юнусобод туманидаги «Самсунг» дўкони олдига 10 донна, нари 3 миң сўмлик булган «Поке» автомат уйи-ларини сотиш учун олган А.Авасов савдо-фалониятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлангани учун ушбу автомат уйинларни вақтинчалик олиб қўйилиб, текширув департаментиса билан судга оширилди.

Худудбузар А.Авасов судга чақирилганда асос қилганда ва узрли сабаб билан бозор кўчага қолдириш ҳақида илтимос қилмади.

Кейинчалик маълум бўлишича, у «Поке» автомат уйинларининг ҳар бирининг 558 миң сўмдан олиб, сўнг 4500 АҚШ долларига сотишга келишиб, фойда олиш мақсадини қўзғатган экан.

Суд ҳукми билан А.Авасов маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақиининг 7 баробари миқдордаги жарима жазоси белгиланди.

Шухрат АБДУВОХИДОВ, бўлим бошлиғининг ўринбосари

АЪЗОЛАР МИННАТДОРЧИЛИГИ

бошланғич ташкилот учун энг катта мукофот

хона, ташкилот ҳамда муассасаларда имзоланган жамоат шартномаларига қўшимча имтиёз ҳамда қарорларни кириштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 1-чорагида кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар ҳамда байналмилалчи жангчиларнинг 1 миң 330 нафарига табиий хизмат кўрсатиш, дори-дармон харажатларини қоплаш учун 13 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Айёларга эса туғилгача ва туғилгандан кейинги ҳақ тўланадиган таътилар кўни ҳам узайтирилмоқда. Кўп болали айёларга иш кўни мошини сакланган ҳолда ҳафтага камида 1 соатга қисқартрилди. Бу имтиёз 651 нафар айёлга татбиқ этилди.

20 миң 667 нафар ходим, шу жумладан, ёш айёллар бепул табиий қўриқдан ўтказилди. 241 нафар кам қочки, тибиий ёрдамга мутож айёлларнинг бепул даво ланишлари йўлга қўйилиб, бу мақсад учун ҳам хўжаликлар ҳисобидан 29 миллион сўм харажат қилинди. Федерация кенгашининг Курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда 281 нафар киши соғломлаштирилди.

Бу ишларни амалга оширишда жамоат шартномалари ҳамда келишувларининг аҳамияти беқиёсдир. Улар ор-

аммоларни бартараф этиш қатъий назоратга олинган. Жорий йилнинг биринчи уч ойида 68 та корхонадаги 649 нафар шундай тоифадаги кишиларга 20 миллион 300 миң сўмлик моддий ёрдам ва турли хизматлар кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимоя йилининг мазмуни ва моҳияти тарғиботида корхона ва ташкилотлардаги маънавият ва маърифат хоналарида, кутубхоналарда ташкил қилинаётган кўрсатмалар катта аҳамият касб этмоқда. Бу каби тадбирлар шаҳримиздаги 2519-автожамлама, «Сувмаш», «Ег-мол комбинати» қўшма корхонаси, «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятларида, Ўзбекистон «Сифат» маркази каби бир қатор ташкилотларда қўрилган натижаларни бермоқда.

Кўпгина бошланғич ташкилотлар ёлғиз кесклар соғлиғига ҳамда моддий аҳолини муносабат назорат этиб бермоқда. Айниқса, «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитасида бу борадаги фаолияти диққатга сазовор. Айни вақтда корхонада бундай тоифадаги кишилар рўйхати тузилган. Корхонага қарашли табиий бўлими орқали уларнинг соғлиқлари доимий назоратга олинган. Ошончада бепул овқатланишлари учун шарт-шароит яратилганлиги, айниса,

маяпти. Анчадан бери қаровсиз қолган тренажёр эли тавмирталабчилига етибди.

Спортнинг оммавийлигини ошириш, меҳнатқашлар фарзандларини соғломлаштириш ҳам ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишларидан биридир. Шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашига шаҳар кенгаши бюджети ҳисобидан 47 миллион сўм ўтказилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг мамлакатимизда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига асосан «Яккасарой» спорт мажмуасига 1 миллион сўм берилди. Байналмилалчи жангчилар бирлашмасига 395 миң сўм харбий спорт мусобақаларини ўтказиш учун ажратилди.

Лекин ечимини қутаётган муаммолар ҳам талабгина. Бир сўз билан айтганда, пойтахт касабаси уюшма ташкилотлари меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурини амалга татбиқ этиш бора-сидати фаолиятини янада кучайтириш лозим, токи ҳар бир ишчи-хияматчи, талаба ҳамда меҳнат фахрийси мазкур жамоат ташкилотининг бегараз ёрдамидан баҳраманд бўлин.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ОБИДАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Буёқ ипак йўлида жойлашган кўча ва наврогон Марғилон жаҳонга машҳур олим уламо-лар, муҳаддислар, шоир фозиларни тарбиялаб қамолга етказган. Бу қадимий маскан мамлакатимиз тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда азалий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, бу ердаги хунармандлар, қосиблар, савдогарлар таърифи ҳам етти иқлимга маълум.

Президентиимизнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида айни кунларда қўлтуғ тўйга қизинг хозирлик қилимоқда. Шаҳарда 35 та зияратгоҳ ва қадимий бўлиб, уларда қурилиш, реконструкция, ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Бу ишга нафақат марғилонликлар, қолаверса, бутун вилоят ва республика ахли ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Йўрмалда» маҳалласи худудидagi Пир Сиддик мажмуаси энг қадимий масканлардан бири бўлиб, бу ер «Антаркти мазор» номи билан машҳурдир. Бу тарихий обида марғилонликларнинг азиз ва муътабар зияратгоҳига айланган. Зияратгоҳга улғў кишиларнинг ҳоқи қўйилган. Буёқ алоҳида Бурҳониддин Марғинонийнинг қилчаноқси ҳам шу ерда жойлашган. У бутунлай қайтадан бунёд этиляпти. 1,5 гектар майдонни эгаллаган мажмуада жомеъ масжиди, зияратхона барпо этилади. Масжидни таъмирлашда Тўхтагани Умурзоқов бошлиқ устalar меҳнат қилишяпти. Қурилиш-таъмирлаш ишларини тошкентлик, самарқандлик, қўқонлик устalar жадал сурьатларда олиб боришяпти. Шарқнинг машҳур шоираси Жаҳон отийн Увайсий ўй-музейи ўзи яшаб ўтган Увайсий

(илгари «Чилдухтарон») номи маҳаллада барпо этиляпти. Қабри устига мақбараси қўйилмоқда. Бунёдкорлик ишларини қорақалпоғистонлик ҳамда самарқандлик устalar бажаришяпти. Бу ерда 186 миллион сўмликдан ортик қурилиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Маъшад маҳалласида жойлашган Улғў мазор зияратгоҳига Имом Абдулазиз ал-Марғилоний дафн этилган. Шарқда машҳур бўлган олим кўтлаб маърифатли инсонларни тарбиялаган. Мазкур зияратгоҳда ҳам кенг қўламда бунёдкорлик ишлари бажариляпти.

Йўлдош Оқунбоев номи маҳалла ахли бугунги кунда бу ердаги масжид, мадраса, қонақларни тиклаш ҳамда Ҳожа Муҳаммад Порсо зияратгоҳини ободонлаштиришга астойдил киришган. Асосан ҳашар йўли билан таъмирланаётган зияратгоҳда маҳалла фозиллардан Муъзагон Абдуқодиқов, Тўхтагани Ҳожи Умурзоқов, Ғуломназар Рустамов, Ражабали Ҳошимовларнинг сайъ-харақати билан хотира хонаси, меъморий кўринишидаги айвон қад қўтармоқда.

Иқбол маҳалласи худудидa жойлашган қадимий мадраса биносида асосида «Очиқ осмон остида»ги музей барпо этиляпти.

Муҳаммадқон МАХМУДОВ,
меҳнат фахрийси



Алишер ИБОДИНОВ СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

(Қисса)

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

ди. Ортидан эшик қўл билан ҳам қочилди. — Хозир! Хозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тағида

Фойда

ОЛМОҚЧИ ЭДИ

Ҳамзаҳимиз О.Зулфқоров ҳам савдо ва вочтачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товланган ҳолда 23 донна, нари 674 миң сўмлик уяли телефонларини сотиш учун олган.

Судда ҳудудбузар О.Зулфқоров ҳақиратдан кам Тошкент шаҳринидаги бозордан нақд пулга уяли телефон апаратураларини сотиб олиб, ҳар бирини 3-4 миң сўмдан фойда олишни қўзғатганини тавонди.

Суд О.Зулфқоровга нисбатан тегисли жазо қўйилди.

Бахтиёр ТАНҒРИҚУЛОВ, бўлим суриштирувачиси

РўЙХАТДАН ҲТМАЙ

Фуқаро А.Нурматов тадбиркорлик билан шуғулланиш қондаларини бузиб, тегисли тартибда рўйхатдан ўтмай, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида Хитойда ишлаб чиқарилган 36 донна, умумий нархи 1.605.000 сўм бўлган DVD плейларни сотиб олган.

У ҳар бир плейларнинг устига 5000 миң сўмдан қўйиб сотмоқчи бўлганда департамент ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд А.Нурматовнинг фаолиятига ҳам қўриқчи баҳо берди. Ойбек ҒАЗИНАЗАРОВ, бўлим катта суриштирувачиси

«Ишонач» газетидаги мақолаларнинг муҳаббат ва ҳурмат билан қилинганлиги, айниса, маънавият ва маърифат хоналарида, кутубхоналарда ташкил қилинаётган кўрсатмалар катта аҳамият касб этмоқда. Бу каби та

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Тарих ҳақиқатини, қадимий маънавиятимизни тиклаш Мустақиллик бизга берган улғун нэматлардан бири бўлди. Қисқа бир муддат ичида буюқ тарихий адолатнинг қарор топиши, қадриятлар ва улғун сиймоларнинг халқимизга қайтариб берилиши ана шу кутлуг нэмат шарофатидандир. Бу гаплар биринчи навбатда Соҳибқирон Амир Темуриун ҳаёти ва фаолияти, бизга мерос қилиб қолдирган буюқ давлатчилик анъаналарига тааллуқлидир. Чунки айнан Амир Темуриун сиймоси ва шахсияти кейинги бир аср давомида фақат бир томонлама ёритилгани, унинг фаолияти фақат қора бўёқларда тасвирлангани ҳаммага маълум. Юртимизда тарихий адолат тиклангандан кейин шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан бу борада таҳсинга сазовор улғун ишлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги ўн йиллар давомида адабиёт ва санъат арбоблари ҳамда олимлар томонидан Соҳибқирон ҳақида салмоқли асарлар яратилгани қувончли ҳодисадир. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, академик Бўрибой Аҳмедов, Ҳаким Сатторий, Тўлқун Хайит каби турли авлод ижодкорларининг ранг-баранг жанрлардаги асарлари, қўлаб жиддий кўҳна тарихий манбалар ҳамда ҳорижда яратилган бир қанча илмий ва публицистик тадқиқотлар, Соҳибқиронга бағишланган тарихий рисоалар, хотиралар ўзбек китобхоналарининг маънавий мулкига айлангани, марҳум шарқшунос Маҳкам Абдураимовнинг унутилган «Темуриун ва Тўхтамиш» тадқиқоти халққа қайтарилганини мамнуният билан тилга олиш лозим.

Таниқли ёзувчи ва шоир Муҳаммад Али Соҳибқирон Амир Темуриуннинг бадиий сиймосини яратиш борасида самарали изланган адиблар жумласидан. Аввало шуни таъкидлаш керакки, Муҳаммад Али бу кутлуг мавзуга тасодифан қўл урган эмас. У ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шўро салтанати авжига чиққан паллада «Гумбаздаги нур» достонини ёзиб, улғун саркардада самийий эҳтиромини билдирган эди. Жасорат билан ёзилган бу достон адабий жамоатчилик эътиборига тушгани, эътироф этилгани маълум, достон ҳозиргача ҳам ўқувчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ёзувчи шундан кейин тарих қатламларини, турли манбалар ва тадқиқотларни синчиқлаб ўрганиб, ошқоралик йилларида икки китобдан иборат «Сарбадорлар» романини эълон қилди. Қайта-қайта нашр этилган бу йирик эпик асар ҳам тилга тушиб, китобхоналар

гоҳ салтанат ташвишлари, юрт фаровонлигини ўйлаб тиниб-тинчимайдиган қаттиққўл ва доно ҳукмдор, гоҳ суюкли фарзанди доғда изтироб чекиб, алам ўтида қовурилаётган, меҳрибон, кўнгли шикаста ота, гоҳ маликаларнинг дилқаш сўхбатдоши сифатида жозибали ранглар воситасида тасвирланади. Воқеаларнинг йўналиши ва моҳиятига қараб тасвир усули ҳам ўзгариб, баъзан босиқ, вазмин оҳанглар етакчилик қилса, баъзан романтик бўёқлар, лирик кайфиятлар жиддий лаҳзалар билан ўрин алмашиб туради. Айниқса, Соҳибқироннинг тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзо тўсатдан вафот этгандан кейинги ҳолатлар тасвири, Амир Темуриун ва маликалар, тул қолган Хонзода хонимнинг ички изтироблари дардчил, мунгли мисраларда маҳорат билан чизиладики, бу саҳифалар ўқувчи қалбини ларзага келтирадиган даш-

ТИНИҚ КЎЗГҮ

мехрига сазовор бўлди. Насрдаги дастлабки тажриба ва муваффақият ёзувчининг янги ижодий изланишларга илҳомлантирди. У Соҳибқироннинг ҳаёт йўли ва бўйичи фаолиятини кенг қўлабда тасвирлашга, олис тарих манзараларини, аждодларимизнинг нурли сиймоларини жонлантиришга бағишланган йирик эпопея ёзишга дадил киришди. Наттижада, «Улғун салтанат» деб номланган бу тарихий роман-дилогиянинг икки китоби ўқувчилар қўлига етиб борди. Улар ҳақида қатор тақризлар, мақолалар эълон қилинди. Академик алломаимиз Матёқуб Қўшонов ва тарихий мавзудаги асарлари билан шўрат қозонган сеvimли ёзувчимиз Пиримкул Қодировлар бу йирик романининг ибратли нукталарини чуқур таҳлил қилиб бердилар.



Улғун адиб Ойбек: «Тарихий асар ёзиш – тошда гул ундириш билан баравар», деб эътироф этган эди. Дарҳақиқат, олис асарларни тафдиқур нури билан қайта тиклаб, жонлантириб бериш осон кечадиган иш эмас. Бу қайнок ижодий жараёнда тарихий воқеаларни тасвирлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Ижодкорлар орасида «Тарихининг иши тамом бўлган жойдан ёзувчининг иши бошланади», деган нақл бор. Тарихчи учун тарихий давр манзарасини тиклаш ва унинг ички ривожланиш қонуниятларини очиб бериш муҳим. Ёзувчи эса ана шу тарих манзараларини кўрсатиш билан кифояланиб қола олмайди. Унинг учун тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб бериш эмас, ана шу даврда яшаган одамларнинг руҳий дунёсини, ички кечинмаларини, орзу-умидларини, яшаш ва кураш тарзини – бир сўз билан айтганда, қалбини, маънавий оламини, интилишларини жонли, аниқ, ишонарли ва ҳаётий қилиб тасвирлаб бериш муҳим. Ана шу тасвирда ўзига хос йўл топа олиш, юксак бадиий таъсирчанликка эришиш, асар қаҳрамонларини жонли, тирик одам сифатида гавдалантириш жуда оғир, машаққатли меҳнатни талаб қилади.

«Улғун салтанат» роман-дилогиясини ўқиб, Муҳаммад Али бадиият сирларини пухта эзгалгани, тарихий воқеаларни ҳаққоний жонлантиргани, давр кишиларининг мураккаб ички дунёсини, характерларини чуқур очиб бера олганини кўраемиз. Асарда жуда кўп қаҳрамонлар иштироки бор. Уларнинг айримлари Соҳибқироннинг яқин сафдошлари – жанговор беклар ва амирлардир. «Зафарнома», «Темуриун тузули» каби қатор тарихий манбалар орқали яқини таниш бўлган Амир Муса, Амир Сайфиддин некуъа, Амир Довуд дуғлат, Амир Жокю барлос, Аббос баҳоидир, Давлатшох баҳшилар роман саҳифаларида бирин-кетин жонлана боради. Муаллиф бу тарихий шахсларнинг бири иккинчисига ўхшамайдиган характери, фель-әтатори, ички мураккаб дунёсини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Натанзий ёки Фасих Хавофийлар қаламига мансуб «Зафарнома», «Мунтахабут тавориҳи Муъиний», «Мужмали Фасийҳий» сингари тарихий манбаларда Амир Темуриуннинг дустурли бўлган бу амури бекларнинг ишлари бир-икки чизги орқали гапириб кетилади. Муҳаммад Али эса ана шу тарихий манбаларга таянган ҳолда бу кишиларнинг тирик инсон сифатидаги жонли кифоасини гавдалантиради.

Ёзувчи бу борада тўлиқ максатдаги эришга олган. Шунинг учун ҳам юқоридаги тилга олинган шахслар ва романда урайдиган бошқа ўнлаб персонажлар бетақдор, бири иккинчисига ўхшамайдиган шаклу шамойили билан намоён бўлади. Давр колорити ва инсонларни аниқ, ёрқин гавдалантира олиш, тил ҳусуятларини сақлашга эришиш ёзувчининг катта ютуқларидан биридир. Роман марказида Амир Темуриун сиймоси, унинг оила аъзолари, фарзандларининг хатти-харакатларини тасвирлаш ҳам катта ўрин тутди. Ёзувчи бу ўринда тарихий қолиплардан воз кечиб, Соҳибқирон ва энг яқин одамларининг ўзига хос фазилатлари, ибратли сифатлари ҳамда руҳий оламни ёрқин бўёқларда чизиб учун қўп меҳнат қилгани кўриниб турибди. Романда Амир Темуриун образи

ражада ҳаётий ва табиий ақл эттирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Роман сюжетини тарихий ҳақиқат мезонлари асосида пухта туган ёзувчи Амир Темуриуннинг улғун салтанати осонлик билан барпо этилмаганига катта ургу беради. Соҳибқирон Турон сархадларида мустақил ҳокимият барпо қилиш учун узоқ йиллар шимолдаги Урусхон, кейинчалик Тўхтамишхонларнинг улғун давлатчилик сийосатига қарши кураш олиб бургани маълум. Айни замонда шарқда Қамариддин, Хурсонда Фиёсиддин, Хоразмда Хусайн Суфий ва Юсуф Суфиларнинг тахт учун аёвсиз курашлари, турли амирларнинг фитналари, ғаламисликлар, ишонган кишилари Амир Кайхусрав Хутталоний, Шайх Муҳаммад Баён сулдуз, Зиндачашм Опардийлар, ҳатто куёви Муҳаммад Мираниннинг хиёнатлари, Термиз саидларининг исёни сингари қўлаб очик қаршилик кўрсатишларини энгши осон бўлган эмас.

Ёзувчи бу мураккаб, зиддиятларга тўла воқеаларни асар тўқимасига киритиш билан романига хос катта эпик қўлаб яратиш ва айна пайтда қаҳрамон руҳиятидаги ички курашлар ғалаёнини мураккаб кирралари билан акс эттириш учун кенг имкониятлар очиб муваффақ бўлди. Романда бу мураккаб воқеалар ичига қийналатган, изтироб чекаётган, тўғри йўл излаётган қаҳрамонларнинг характерлар аор тўқнашувлари, мураккаб тақдирлар қисмати таъсирли, ҳаяжонли чиққан. Айниқса, хиёнат кетидан хиёнатларга қўл ураётган, ўзидан бошқа ҳеч кимга ишонмай гангиб қолган Амир Хусайн дуч келган аянчи қисмат, Тўхтамишхон руҳиятидаги тушунлиқ ва маккорликлар, сотқинлик фожоеаси битилган саҳифаларда ҳам ёзувчи катта маҳорат кўрсатиб, санъаткорона йўл тутган. «Улғун салтанат» роман-дилогиясини тарихий мизмининг тиниқ кўзгуси сифатида кўз олдимизда намоён бўлади.

Ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий бошлаб берган буюқ романчилик мактабига хос анъаналарни Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Мирмуҳсин каби йирик адиблар ривожлантириб, жаҳон кенгликларига олиб чиққани маълум. Ана шу кутлуг, ҳаётбахш анъанани бугунги кунда Муҳаммад Али муваффақият билан давом эттираётгани ва тарихий мавзудаги асарлари билан халққа манзур бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ёзувчининг «Улғун салтанат» романидаги йирик романига хос эпик қўлабдорлик ҳақида, тасвир санъати, тилдаги маҳорат ва бошқа тасвирий воситалар, деталлар ҳақида ҳам қўп гапириб мумкин. Аммо ҳозирча бундай батафсил таҳлил учун имкон йўқ. Шунинг учун асарнинг фазилатлари ҳақида юқорида баён қилинган айрим чизгилар билан мулоҳазаларимизни яқунлайимиз ва Муҳаммад Алининг катта шахсматли меҳнати самараси бўлган, порлоқ ўтмишимизга буюқ муҳаббат билан битилган, юксак ватанпарварлик туйғулари билан сугорилган «Улғун салтанат» тарихий роман-дилогиясини ҳар жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига муносиб асар деб баҳолайимиз.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди

Мусобақаларда беллашиш учун ёки саҳнада ўз санъатини намоийш этиш учун спорт мактабиде таҳсил олиш ёхуд спорт олийгоҳида ўқиш зарур эмас. Тошкент вилоятидаги «Меҳржон» болалар оромгоҳида ўтган Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшма Марказий кенгашининг VIII Республика тармоқ спартакиадаси ҳамда бадиий жамоалар иштирокида Республика VII кўрик-танловини кузатиш жараёнида, биз бунга амин бўлдик.

Тармоқ спартакиадаси шахмат, шашка, оилавий мусобақалар, тўп улоқтириш, аркон тортиш бўйича ўтиб, уларда қуйидаги спортсеварлар совринли ўринлардан жой олишди: **Шахмат.** 1. Раҳмон Умаров (Бухоро), 2. Отабек Эргашев (Андижон), 3. Раббим Норматов (Жиззах). **Шашка.** 1. Дилором Умарова (Тошкент), 2. Дилором Худойбергенова (Хоразм), 3. Дилором Шарипова (Қашқадарё). **Аркон тортиш.** 1. Наманган, 2. Тошкент, 3. Андижон. **Оилавий мусобақалар.** 1. Раззоқовлар оиласи (Бухоро), 2. Азимовлар оиласи (Тошкент), 3. Раҳимовлар оиласи (Наманган). Шунингдек, тармоқ касабга уюшмалари вилоят кен-

баскетбол ўйнаимиз. Бошқармаимиз бошлиғи Баҳоидир Отажонов спортга жуда қизиқади ва ходимларнинг шуғулланиши, мусобақаларда қатнашиши учун яқини шароит яратиб берган. Шунинг учун, бошқармадан уч киши шахмат бўйича спартакиаданинг Жиззах шаҳар босқичида иштирок этди. Улардан икки нафари вилоят босқичига чиқиб, вилоятдан сўнг



гашлари ва вакилликлариде раислари тўп улоқтириш бўйича мусобақалашди. Унга қўра, тармоқ касабга уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Омонулла Саёров биричи, андижонлик, Бобур хиссодорлик жамияти КУҚ раиси Шўҳрат Иброҳимов иккинчи, қашқадарёлик, вилоят кенгаши хисобчис Азамат Нурматов учинчи ўриндан жой олишди. Спартакиаданинг умумий хисоб-китобларига қўра, Тошкент шаҳри биринчи, Андижон жамоаси иккинчи, Бухороликлар учинчи ўриндан банд этишди. Биз мусобақа иштирокчиларидан, шахмат бўйича совриндор бўлган Жиззах шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлик муовинидан таассуротларини сўрадик. — Спартакиаданинг дастлаб биринчи босқичи ташкилотимизда ўтди. Жиззах шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасида 185 нафар киши ишлади. Ишдан бўш вақтда шахмат, шашка,

республика финал мусобақаларида қатнашишга, қўшиш жоиз бўлса, совринли ўринга ҳам лойиқ топилди. Хурсандман. Бошқармаимизнинг касабга уюшмаси қўмитаси раиси Толиб Абдувоҳидов оиласи билан оилавий мусобақаларда иштирок этди. Тармоқ негизидеги бадиий жамоаларининг навбатдаги кўрик-танлов тўртта шарт бўйича ўтди. Дастлаб, бадиий жамоалар ўзларини таништиришди. Сўнгра, иштирокчилар касабга уюшма фаолиятига оид саволларга жаваб бериб, билимдонликларини кўриқдан ўтказишди. Учинчи шартда бадиий жамоалар «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган муамолар ва ечимларини «Инсонга наф келтириш — олий бахт» ширини остида намоийш этдилар.

Сўнги шартда эса иштирокчилар ўзлари танлаган бирор қўшиқча мос лаҳзаларни (клип) томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар. Шунингдек, жамоа сардорлари (раҳбарлари) ҳам кўрик-танловдан четда қолишмади. Раҳбарлар ҳақидаги шартлар ёзилган қўғозчаларни тортиб, уларни бажаришди. Кимдир арабча рақосга тушган бўлса, бошқаси қўшиқ айтди. Яна бири томошабинларни ўз латифаси билан хушнуд этган бўлса, кимдир шеър ўқиди... Хуллас, ишчи-ходимлар чин маънода яйрашди, хордиқ чиқардилар. Кўрик-танлов якунида олий даражадаги диплом Фаргона вилояти жамоасига насиб этди. Қолган ўринлар қуйидагича тақсимланди: 1-ўринни Қашқадарё, 2-ўринни Тошкент шаҳри, Бухоро, 3-ўринни Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятлари эгаллади.

Спартакиада



«МЕХРЖОН»ДА ҲАММА ЯЙРАДИ

танловдан четда қолишмади. Раҳбарлар ҳақидаги шартлар ёзилган қўғозчаларни тортиб, уларни бажаришди. Кимдир арабча рақосга тушган бўлса, бошқаси қўшиқ айтди. Яна бири томошабинларни ўз латифаси билан хушнуд этган бўлса, кимдир шеър ўқиди... Хуллас, ишчи-ходимлар чин маънода яйрашди, хордиқ чиқардилар. Кўрик-танлов якунида олий даражадаги диплом Фаргона вилояти жамоасига насиб этди. Қолган ўринлар қуйидагича тақсимланди: 1-ўринни Қашқадарё, 2-ўринни Тошкент шаҳри, Бухоро, 3-ўринни Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятлари эгаллади.

Шу ўринда, Тошкент шаҳар бадиий жамоаси аъзоси Мастура Умрзоқованинг ҳам кўрик-танлов ҳақидаги дил сўзларини келтиришни лозим топдик. — Мен Мирзо Улғубек туманидаги Ободнаштриш бошқармасида ишлайман. Ҳар йили кўрик-танловда қатнашаман. Дўстлар орттирдим. Сурхондарё, Хоразм вилоятларининг миллий кўшиқчилиги, либослари ҳар доим эътиборимизни тортади. Ҳар вилоятнинг ўз услуби бор. Бир-биримиздан ниманидир ўрганаемиз. Ҳар йилгидек, Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшма Марказий кенгаши тармоқ уюшмалари билан биргалиқда «Ўз касбининг устаси» кўрик-танлови голибларини ҳам аниқлади.

Таъкидлаш жоиз, спартакиада ва кўрик танлов доирасида турли номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Барча голиб ва совриндорлар ҳамда номинантлар дипломлар, қўмитабоҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири, Иқром ХАСАНОВ олган суратлар

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулов Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғулмоқир Юсупов

Бизга кўнгирик қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касабга уюшмалари ҳаёти бўлими:
153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими:
153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими:
153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими:
153-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими:
153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев
Навбатчи - Х.Жўраева
Мусаҳоқ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табақ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.20

Буюртма Г — 414
Тиражи: 16821
2 3 4 5 6